



ТАЪЛИМ СОҲАСИДА РАҚОБАТБАРДОШЛИККА ЭРИШИШ УЧУН ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИНГ СТРАТЕГИЯЛАРИ

Ботиров Ҳ.Х.

*А.Авлоний номидаги педагогларнинг касбий ривожлантириш ва янги методикаларга ўргатиш миллий-тадқиқот институти
Doctor of Philosophy in law (PhD)*

Таянч сўзлар: глобаллашув, инсон капитали, академик мустақиллик, нодавлат таълим муассасалари, таълим бозори.

Ключевые слова: глобализация, человеческий капитал, академическая независимость, негосударственные образовательные учреждения, образовательный рынок.

Key words: globalization, human capital, academic independence, non-state educational institutions, educational market.

Таълим ташкилотлари таълим бозорида қандай хатти-ҳаракатларини рақобатда амалга оширишлари керак?

Биринчидан, истеъмолчиларни бошқа ҳудуддан ёки бошқа таълим ташкилотларидан яхшироқ эканлигига ишонтира олиши лозим.

Иккинчидан, мутахассисларни тайёрлаш учун қилинадиган харажатларнинг мақбул бўлиши керак.

Учинчидан, таълим бозорга кириш бошқаларга қараганда анча арзон бўлиши лозим.

Тўртинчидан, энг яхши педагогларни жалб қила олишлари зарур, чунки улар бир хил молиявий имкониятлар доирасида кўпроқ пул тўлайдилар.

Стратегия ва рақобатбардошлик каби тушунчалар ўртасидаги муносабат ўзаро боғлиқдир. Таълим муассасаси учун стратегияни шакллантириш мақсад билан белгиланади, яъни қандай қилиб бозорнинг бошқа иштирокчиларидан яхшироқ бўлиш мумкин. Хусусан, сифатли таълим, таълимдаги қўшимча хизматлар, қўшимча ўқитиш ва бошқа мақсадли хизматлар кўрсатишда рақобатбардош натижаларини ифодалайди. Рақобатбардошликни “қобилият ва қобилиятдан фойдаланиш” сифатида ифодалаш мумкин.



Рақобат курашида ҳар доим йўқотиш бу кучсиз таълим ташкилотларига тегишли бўлиб, улар қобилияти ҳар томонлама заиф ташкилот ҳисобланади ва таълим хизмати классик кўринишда бўлади. Шунинг учун сифатсиз хизмат кўрсатиш, сифатсиз даражадаги таълим технология билан натижалар юқори бўлмайди. Шунинг учун рақобат муҳитида таълим муассасасининг мақсади иккита хусусиятга эга бўлиши керак.

Биринчидан, ташқи муҳит нуктаи назардан рақобат шароитида мақсадларга эришиш жараёнини ташкил қилиш учун зарур бўлган нарса бу таълимга хизмат қилувчи воситаларидир. Бу воситалар таълим муассасасининг рақобатбардошлигини таъминлашга бевосита хизмат қилади. Бу талаб таълим муассасаси раҳбарияти фаолият кўрсатадиган барча манбаларга тааллуқлидир: ўқувчиларлар, кадрлар, керакли манбалар, замонавий техника ва технологиялар, бино ва иншоотлар.

Иккинчидан, таълим муассасаси фаолиятининг мақсадларига эришиш учун рақобатбардошликка асосланган аниқ бошқарув тизими муҳим аҳамиятга эга. Замонавий бозор шароитида, бошқарув тизими ташқи муҳитдаги ўзгаришларга кўплаб бошқарув самарадорлигини яратиш хусусиятига эга бўлади. Мақсадларга эришишни таъминлайдиган ечимларни танлашнинг бу усули таълим муассасасининг ишлаши учун мақсадлар кўплиги шароитида объектга таъсир қилади.

Демак рақобатдаги муваффақият бу таълим муассасасининг хусусиятлари ва унинг бошқарув тизимининг ривожланиш даражаси билан белгиланадиган қобилиятдан фойдаланиш ўлчовидир.

Рақобатбардошлик хусусияти иккита асосий қисмдан иборат: мослашувчанлик ва инновация. Таълим ташкилотнинг ташқи муҳит муносабатларга мослашуви тушунилади. Инновацион қобилият сифатида, тезлик, янгиликларни яратиш ёки қўллаш мезонларига мувофиқ доимий ўзгариш ва қайта ташкил этиш жараёнлари сифатида намоён бўлади. Бошқача айтганда, мақсадга эришиш учун изчил ва ностандарт жараёнлар билан минимал харакатлар амалга оширилади.

Агар мослашувчанлик таълим муассасасининг ташқи муҳити ўзгаришига олиб келса, инновация - бундай таъсирнинг энергияси бўлиб, унинг фаолияти давомида янги элементларни ишлаб чиқишга асосланган фаолиятни ўзгартиришга қаратилган ечимларни ишлаб чиқади. Мослашувчанлик аниқ хусусиятларга эга бўлган муҳитда бўлишига мос келади. Инновация тизим тузилишининг барча фаолиятида янгилик кириб келади ва тўлиқ ўзгаришга олиб келади.



Шундай қилиб, мослашувчанлик ва инновация хусусиятлари таълим муассасасининг рақобатбардошлик хусусиятини шакллантириш учун зарур ва етарли шартларни белгилайди.

Мослашувчанлик таълим муассасасининг ўзига хос фундаментал ўзгаришига асосланади. Хусусан, таълим муассасасининг мавжуд моддий-техник базаси, ўқув жараёнида қўлланиладиган технологик воситаларсиз мослашувчанликни шакллантириш мумкин эмас. Шу билан бирга, ўқувчиларнинг қобилияти хилма-хиллиги, эҳтиёжлари таълим муассасасининг технологик базасининг мослашувчанлигини белгилайди.

Инновация икки турдаги хусусиятни ўзлаштиради. Бу таълимнинг технологик компонентини янгилаш билан боғлиқ техник янгиликлар киради. Бунга ўқитишнинг техник воситалари соҳасидаги янгиликларни ўзлаштириш, бошқаришни ташкил этиш ва ўқув фаолият учун техник жиҳозлар билан таъминлаш, билимларни ўзлаштиришнинг турли хилларини қўллаш усуллари ўз ичига олади. Шуни таъкидлаш керакки, техник янгиликларнинг муҳим таркибий қисми бу ўқув жараёнига техник шарт-шароитлар, яъни ўқувчи ва педагогнинг иш жойидаги қулайлигига, ўқувчининг замонавий билимларни ўзлаштиришига кўпроқ мос келадиган янгиликлар ҳисобланади.

Таълимни бошқаришда рақобатга оид муаммолар етарлича ўрганилмаган ва эътибордан четга қолган.

Биринчидан, таълимни бошқаришда ҳаддан ташқари давлатнинг иштироки юқори ва давлат томонидан рақобатбардош муносабатларнинг шаклланишига хизмат қиладиган механизмлар ишлаб чиқилмаган, бу мустақил фаолият кўрсатишга, фаолиятини ривожлантиришда давлатнинг аралашувида намоён бўлди.

Иккинчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш маҳсулот ва хизматлар нархининг сезиларли даражада ошишига ва сифатининг пасайишига олиб келди. Хали-ҳанузгача таълимда давлат монополиясининг бўлиши, у юқори даражада марказлашишда намоён бўлди.

Таълимда рақобат муҳитини яратиш ва ривожлантиришни тартибга солиш мақсадида бир қанча норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда ва бу эса рақобат муносабатларининг меъёрий-ҳуқуқий базасини шаклланишига имкон берди.

Таълим хизматлари бозоридаги рақобат нафақат таълим муассасасини танлаш имкониятини беради, балки бу унинг мустақилиги ва таълим мазмунини, таълим жараёнини ташкил этиш шакллари ва усуллари танлашда эркинлигини билдиради.



Рақобат, таълим муассасаларини янада ҳам ҳаракат қилишга, бизнесни самарали олиб боришга, истеъмолчилар эҳтиёжларига эътибор беришга ундайди ва шу билан бирга, ўз самарасизлигини исботлаган бошқа иштирокчиларини аста-секин йўқ қилишга олиб келади.

Таълим муассасаларини бошқаришда инновацион технологиялар ва сифат тизимларини жорий этиш яқин келажакда мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишнинг асосий воситаси ва таълим тизимининг рақобатбардошлигининг асосий омилига айланиши кўзда тутилган.

Рақобат омиллари таълим тизимининг ишлаш жараёнларининг яхлитлигини англатади, бу тизимнинг ички жараёнларини тезлаштиради ёки секинлаштиради, шунинг учун ҳам бу ижобий, ҳам салбий бўлиши мумкин.

Таъсир этувчи омиллар рақобатбардошликни ошириши ҳам, пасайтириши ҳам мумкин.

Ҳар қандай тизимнинг фаолияти иқтисодиёт субъекти ва бошқарув вазифаси ўртасида ёпиқ алоқа натижасида ёки тизимнинг ташқи муҳит билан очик ўзаро таъсири натижасида юзага келадиган бир қанча омиллар таъсири остида бўлади. [1.С. 240.]

Бинобарин, қуйидаги жадвалда рақобатбардош омилларининг мажмуаси кўрсатилган.

Таълим тизимининг рақобатбардошлиги	Ички ва ташқи ижтимоий муҳитнинг самарадорлиги
	Фақат қонуний чекловлар мавжудлиги
	Халқаро муносабатларнинг ривожланганлиги
	Сиёсий таъсирнинг камлиги
	Моливий эркинликнинг мавжудлиги
	Битирувчиларнинг меҳнат бозорида рақобатбардошлиги
	Таълим муассасасининг ўқув жараёнида мустақиллиги
	Таълимда мослашувчанлик ва инновацион фаолиятнинг доимий боғлиқлиги
	Таълим хизматларининг самарадорлиги ва битирувчиларнинг ишга жойлашиш кўрсаткичларининг юқорилиги

Замонавий иқтисодиёт шароитида профессионал кадрларга бўлган эҳтиёж кескин ошади. Бироқ таълим бозори ҳар доим ҳам бундай кадрларни етказиб бериш бора олмайди. Шунинг учун, деярли ҳамма ўқишга қабул қилинади. Мутахассислар тайёрлашнинг кенгайиши ва кадрларнинг тайёргарлик даражасининг пастлиги таълим муассасалари фаолияти сифатининг пасайишига олиб келади. Педагогларнинг профессионал салоҳияти етарли эмаслиги, уларни ўқув ва тарбиявий ишлар билан бир пайтда банд қилинганлиги таълим тизимидаги айрим механизмларнинг



қулашига олиб келади. Таълим муассасалари сифатининг пасайишининг асосий омилларидан бири бу - таълим стандартларнинг иш берувчилар бирга ишлаб чиқилмаганлиги билан изоҳланади. Ҳар бир таълим муассасаси ўз хизматларининг монополисти ва айна пайтда рақобатчиларга ҳам эга. Агар таълим муассасасида бошқаларга нисбатан барча имкониятлар берилган бўлса, у монополга айланади.[2. 250-257 б.]

Таълим муассасаси меҳнат бозори талабларига жавоб бермайдиган давлат талаблари стандартларга мувофиқ хизматлардан воз кечиши керак. Таълим муассасаси фаолиятининг институтчионал чегараларини белгилаш учун давлат стандарти зарурлигини ҳеч ким инкор этмайди. Аммо деярли ҳеч қандай ўзгариш бўлмаса, истеъмолчининг эҳтиёжлари қондирилмаса, демак бундай хизматлардан воз кечиш лозим.[3. С.35]

Барча таълим муассасалари таълим хизматларининг умумий бозорининг иштирокчилари бўлиб, ҳар бир шахснинг нархга таъсири ёки ягона нархга таъсири республика даражасида ҳаммага сотиши керак. Сотувчилар сонининг кўпайиши билан аста-секин рақобат ҳолатига айланади. Ва ниҳоят, ўсиб улғайган таълим хизматлари рақобат бозорига эга бўлади.

Истеъмолчи учун кураш таълим сифатни яхшилаш, таълим муассасасининг сиёсий мавқеини ошириш, иш берувчиларини таълим муассасалари билан ҳамкорликка бирлаштириш ва ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларини яратиш, инновацион салоҳиятини ошириш билан ҳал қилинади. Таълим муассасасининг энг кучли позицияларини аниқлаб, уни ривожлантиришнинг илмий-техник дастурини ишлаб чиқиш лозим. Аммо ҳозирда ҳал қилиниши керак бўлган кўплаб тактик муаммолар мавжуд. Таълим муассасасининг ривожланиш стратегияни амалга оширишда жамиятдаги манфаатдор ва таълим фаолиятига таъсир ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган ташкилотлар билан музокаралар орқали аниқланади. Шунинг учун музокаралар жараёнида энг нуфузли мутахассислар, амалиётчилар, олимлар томонидан қўйиладиган мақсадларни етказиш ва баҳолаш керак. Музокараларнинг энг қийин нуктаси бу таълим муассасасининг фаолиятининг ҳозирги замон талабларга жавоб бермаслиги, ресурслар билан таъминлашнинг беқарорлиги, ва рақобатбардош кадрларни тайёрлаш механизмининг йўқлиги бошқа муҳим масалаларни муҳокама қилиш ҳисобланади. Ривожланиш стратегиясини таҳлил қилишда таълим муассасасининг энг кучли позицияларини аниқлаб, уни ривожланиши учун илмий-техник дастур ишлаб чиқиш лозим. Бу борада давлатимиз раҳбарининг бир қанча қарор ва фар-



мойишлари билан мамлакатда таълимни ривожлантириш бўйича концепциялари ишлаб чиқилди.

Рақобатбардошликка эришиш учун дастлабки қадамлар жараёнида таълим муассасасининг 3 турдаги стратегиясини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Жараёнлар стратегияси	Таълим жараёнининг сифат самарадорлигини ошириш
	Стандарт ва классик хизматларни қайта кўриб чиқиб, такомиллаштириш
	Хизматлар доирасининг аниқлаш ва уни кенгайтириш
	Доимий равишда таълим сифати мониторингини олиб бориш
	Айни вақтида вазиятларга баҳо бериш
	Юқори даражадаги сифатли ташкилий хизматларни йўлга қўйиш
	Маркетинг учун бир турдаги хизмат учун даражасига қараб танловли нархларни белгилаш
	Асосий воситаларни таълим жараёнига мослаштириш
	Замонавий технологиялар билан ўқув жараёнини таъминлаш
	Мижозлар билан мулоқотнинг юқори савияда олиб бориш
	ОАВ ёки Интернетда фаол рекламаларни жойлаштириш ва фаолиятни ва ютуқларни доимий равишда ПР қилиб бориш
	Умумий сифат бошқаруви (ТҚМ) тизимини жорий этиш
	Таълимда инновация учун етарли даражада сармояни кириштириш
	Харажатларни имкон қадар камайтириш ва уни қаттиқ назорат қилиш
Ҳар бир нарсани ва ҳаракатни ўлчони юритиш ва мониторингини амалга ошириш	



Жуда муҳим бўлган хизматлар стратегияси	Ихтироларни қўпайтириш ва имкониятлар яратиш
	Барча фаолиятга инооацияни жорий этиш
	Таълим муассасасининг рақобатбардошлигини акс этувчи замонавий логотип(дизайн)ини ишлаб чиқиш
	Маркетингни кучайтириш учун доимий ОАВ билан ҳамкорликни йўлга қўйиш
	Ўз ишининг профессионаллари ва амалиётчи мутахассисларни дарс жараёнларига қўпроқ жалб этиш
	Ходимларни профессионаллигини ошириш учун инвестициялар киритиш
	Иш берувчиларни педагоглар фаолиятига баҳо бериш мақсадида дарс жараёнларига жалб этиш
	Сифатни оширишга хизмат қиладиган ҳар қандай фаолиятни рағбатлантиришнинг самарали механизмини қўллаш
	Инновацияларда сармояларни жалб этиш
Тор доирада ишлар стратегияси	Битирувчилар билан узоқ муддатли муносабатлар йўлга қўйиш
	Битирувчилар фаолият юритаётган ҳудуд ёки соҳалар ривожланишига уларнинг қўшган ҳиссаси юзасидан таҳлиллар олиб боришни йўлга қўйиш
	Таҳлил натижалари асосида ўқув жараёнини такомиллаштириш юзасидан иқтиқболли стратегияларни белгилаш
	Истеъмолчилар учун индивидуал мослаштирилган хизматларни йўлга қўйиш
	Таълим сифатини оширишга хизмат қилиши мумкин бўлган ваколатларни ходимларга бериш
	Истеъмолчиларнинг талабидан келиб чиқиб улар учун махсус дастурларни ишлаб чиқиш
	Истеъмолчилар билан муносабатларни самарали бошқарувини йўлга қўйиш

Рақобатбардош устунликка эга бўлиш учун таълим муассасаси истеъмолчиларга рақобатчилар билан бир хил ёки ундан ҳам юқори хизматларни тақдим этиши керак. Лекин бу асосий нарса эмас, асосийси унинг обрўси ҳақида жамоатчиликда фикр пайдо бўлиши лозим.

Таълим муассасаси ишлаб чиқариш сифатида стандартлаштирилган, изчил таълим хизматлари тўпламини таклиф қилса, энг яхшиси, истеъмолчининг индивидуал эҳтиёжлари ва хусусиятларидан келиб чиқиб,



истеъмолчи талаби асосида стандартни шакллантириш, ушбу хизматларнинг индивидуал ёндашув билан такомиллаштириш мижозга ўзи хоҳлаганини танлашга имкон беради. Бунда таълим муассасаси ўз мавқеи ва мақомини белгилайди ва рақобатбардошлигини таъминлайди.

Адабиётлар:

1. Бурда М. Институты рынка труда и экономические реформы в Центральной и Восточной Европе. // Безработица, структурная перестройка экономики и рынок труда в Восточной Европе и России. М.: Инфра-М. 1995. С. 240.
2. Mukhamedov, G. I., Khodjamkulov, U. N., Shofkorov, A. M., & Makhmudov, K. S. (2020). Pedagogical education cluster: content and form. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 01 (81), 250-257.
3. Н.В.Голубятникова Управление конкурентоспособностью учреждений среднего общего образования: дисс. на соискание ученой степени к.э.н. - М., 2011.-С.35

РЕЗЮМЕ

Таълим соҳасида рақобат муҳитини яратишда глобаллашув жараёнларининг аҳамияти, инсон капиталига киритиладиган инвестициянинг роли билан боғлиқ масалалар таҳлил этилган. Бундан ташқари олий таълим муассасаларига академик мустақиликнинг берилиши, таълим бозорига нодавлат таълим муассасаларининг кириб келиши бўйича рақобат муҳитини ривожлантиришнинг турли хусусиятлари ўрганилган.

РЕЗЮМЕ

Анализируются вопросы, связанные с важностью процессов глобализации в создании конкурентной среды в сфере образования, ролью инвестиций в человеческий капитал. Кроме того, изучены различные особенности развития конкурентной среды относительно предоставления академической самостоятельности высшим учебным заведениям и выхода негосударственных образовательных учреждений на образовательный рынок.

SUMMARY

Issues related to the importance of globalization processes in creating a competitive environment in the field of education, the role of investment in human capital are analyzed. In addition, various features of the development of a competitive environment regarding the provision of academic independence to higher educational institutions and the entry of non-state educational institutions into the educational market have been studied.